

Санжар ДЎСМАТОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Араб тили ва адабиёти ал-Азҳар
кафедраси ўқитувчиси

МАҚОМОТЛАР АРАБ НАСРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖАНРИ

Араб-мусулмон маданиятига Халифаликнинг араблашган ва исломни қабул қилган халқларининг ҳамда бу маданиятга улар ўзларининг бой адабий анъаналарини ва кўп жанрлилики олиб келиши бир жиҳатдан, жанрлар туташуви ёхуд уйғунлашувида асарлар яратилиши бошқа жиҳатдан ўрта аср араб адабиёти ривожланишидаги «шаҳар» босқичига асосий йўналиш берди. Бу босқични қатъий хронологик жанрларда белгилаш қийин бўлса-да, жуғрофия жиҳатидан белгилаш бирмунча енгилдир. Араб адабиётининг шаҳар босқичи Халифаликнинг шаҳар ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ бўлган ўзига хос адабий анъаналари энг аввал пайдо бўлган ва энг мустаҳкам илдиз отган марказий вилоятларида яққол намоён бўлди. Ўрта аср араб насри мусулмон дунёси деб аталадиган улкан минтақадаги ўрта асрлардан тортиб, то ҳозирги кунгача бўлган давр адабий жараёнларига катта таъсир кўрсатди. Ўзбек шарқшуносларининг ўрта аср араб насрига

бўлган катта қизиқиши ҳақида сўнгги пайтларда амалга оширилган тадқиқотлар ва илмий ишлар далолат беради. X-XII асрларни умуман араб адабиётининг ва хусусан араб насрининг ривожланишидаги босқичлар даври деб аташ мумкин¹. Мақомот жанри араб назми ва араб насри ўз тараққиётининг энг олий поғонасига кўтарилганда, араб бадий сўз санъатининг муҳим жанрларидан бири ва ўзига хос синтезининг қонуний маҳсули сифатида пайдо бўлди.

Мақомалар адабиётда аввал бўлган ҳеч қандай жанрга оид эмас. Мақомалар-ўрта аср араб насри ҳақида маълум ва маъруф бўлганидан бирмунча фарқ қилувчи ўзига хос жанр. Улар наср ва назмнинг, нафис безатилган бадий ва жонли нутқнинг хусусиятларини ўзида мужассамлаштиради. Наср ва назмнинг ягона ҳикоя этиш тизимида алмашиб келиш исломгача бўлган даврга бориб тақалади.

¹ Мухтаров Т.А. “Источник”. Востоковедение сб. науч. трудов. №2, -Т., 1990

Мақомада оддий наср қофияли наср билан алмаштирилади, муаллифдан алоҳида маҳорат талаб этувчи бу қўшимча шартни ҳисобламаганда насрий баён этишнинг қабул этилган тизими сақланади. Фикримизча, мақома-тарихий тугалланган, бошқача қилиб айтганда, муайян замон чегараларига эга бўлган жанр.

Мақомалар сажъ-қофияли насрда ёзилган. Унинг ҳар бир жумласи кўплаб метафора, ўхшатиш, мувозана (параллелизм), муболаға, киноя, мақол ва Қуръондан кўчирмалар билан бойитилган. Бу хилдаги асарлар муаллифлари ҳикоя қилиш жараёнида араб тили луғат бойлигидан кенг фойдаланиб, сўз ўйини ва араб ёзуви хусусиятларини моҳирона қўллайдилар.

Мақомалар ўрта аср араб насри ҳақида маълум ва маъруф бўлганидан бирмунча фарқ қилувчи ўзига хос жанр. Улар наср ва назмнинг, нафис безатилган бадиий ва жонли нутқнинг хусусиятларини ўзида мужассамлаштиради. Наср ва назмнинг ягона ҳикоя этиш тизимида алмашиб келиши исломгача бўлган даврга бориб тақалади²

Бу жанрда ижод қилганлар ичида ўрта аср араб адабиётининг ёрқин вакиллари Бади-уз-Замон ал-Ҳамадоний (969-1007) ва Абу Муҳаммад Ҳаририй (1054-1122)лар ажралиб турадилар. Муаллиф одатда бир неча ўнлаб мақомалардан иборат тўпламни яратади. Ҳар бир мақома эса мустақил, тугал мазмунга эга.

Бади-уз-Замон ал-Ҳамадоний араб адабиётида мақомот жанрининг асосчиси ҳисобланади. Ал-Ҳамадоний мақомалар тўплами муаллифидир. У 50 та мақомадан иборат. Ҳар бир мақома бир бутун асар бўлишига қарамай, уларнинг ҳар бири фақатгина услубнинг яққалиги билан боғлиқ эмас, уларнинг ҳар бири композицион бир хил шаклга эга ва 2 та умумий қаҳрамонга эга.

Ал-Ҳамадоний мақомларининг мураккаблиги ўша давр маиший муносабатларидан келиб чиқади. Мақомаларнинг композицион қурилиши ҳақида гапирсак, бир ровий томонидан ҳикоя қилинган мақомани бир неча кўринишга бўлиш мумкин: 1)анъанавий иснод; 2) ровий бирон бир муҳитга тушиб қолади; 3) муҳитнинг тасвири (экспозиция); 4)ровийнинг

дайди билан учрашуви; 5) дайди нотикнинг адабий имкониятларини намоиш этиш; 6) тиланчи садақа сўрайди; 7) ровий дайдини мукофотлайди; 8) дайдини таниб қолиш; 9) ровийнинг танбехлари; 10) дайдининг ўзини оқлаши (кўпинча шеърӣй йўл билан).

Бади уз-Замон ал-Ҳамадоний ўз фикрларини баён этишнинг энг қулай усули деб диалогни ҳисоблаган. Мақомаларнинг баён этиш усули савол-жавоб тарзида тузилган: қулна-фақала дейилади.

Диалог мақомада катта роль ўйнаб, унинг тахминан 60%ини ташкил этади, шунинг учун мақома классик араб адабиётининг дараматургияга энг яқин жанри бўлиб намоён бўлади. Мақомаларда ишлатиладиган диалоглар ўзига хос драматик жанрнинг кўринишига эга.

Мақомларнинг композициясида қаҳрамонларнинг монологлари ҳам катта роль ўйнайди. Улар орқали муаллиф турли масалалар бўйича ўзининг фикрини билдиради. Монологлар қаҳрамонларнинг фикрларини ифодалаш услубидир. Агар диалоглар қисқа гаплардан ташкил топган бўлса, монологлар бу гапларни шарҳлаб бериш учун хизмат қилади.

Шундай қилиб, фақат монолог ва диалоглар орқали баён этиш бу мақомалар композициясининг асосий жанр хусусиятидир. Ҳар бир мақома тугал маънога эга ва одатда наср ва назмнинг уйғунлигини намоён этади. Мақомалар тўплами 100 дан ортиқ шеърӣй парчаларни ўз ичига олган. Лекин барча мақома шеърӣй парчаларга эга эмас, уларнинг ҳаммаси ҳам шеър билан якунланмайди.

Мақомаларнинг 2 асосий қаҳрамони ҳар доим турли вазиятларда учрашиб қоладилар. Қисқа ҳикоянинг баён этилиши ва сюжети шу 2 персонаж ёрдамида ташкил этилади. Уларнинг бирини муаллиф Исо ибн Хишом, иккинчисини Абул Фатх ал-Искандарий деб атайди. Барча мақомаларда қаҳрамонлардан бири-муаллиф, яъни тарих яратувчиси, бошқаси-ровий. Ровий образи-бу ўрта яшар, олийжаноб, жиддий характерга эга, илмга мойил киши образидир. Мақомларнинг бошқа персонажларини 2-даражали деб ҳисобласа бўлади.

Исо ибн Хишом-барча мақомаларнинг қаҳрамони бўлиб, у ровий вазифасини ўтайди. Ҳар бир мақоманинг биринчи сатридан, иснондидан, биз Исо ибн Хишом

² Саидумаров М. Ҳаририй мақомалари. Т., 1996, 3-бет.

номини кўрамиз. Ровий образи араб классик адабиётининг анъаналарига эргашишдир.

Асосий қаҳрамонлардан иккинчиси-Абу-л-Фатх ал-Искандарийдир. У «Бани Сасан» қабиласининг типик вакилидир. Улар тиланчилик ва макр-ҳийла билан ҳаёт кечирганлар. Шу билан бирга Абу-л-Фатх шеърятнинг нозик билимдони, сўзамол нотикдир³.

Мақома жанри машҳур араб адиби ал-Ҳаририй ижодида ривож топди. Ал-Ҳаририй мақомаларининг бош қаҳрамони-Абу Зайд ас-Саружий илмий, абжир ва айни пайтда қашшоқ дайди сифатида тасвирланади. Улардаги воқеалар сайёҳ савдогар ал-Ҳорис ибн Ҳаммон томонидан ҳикоя қилинади. У қайси шаҳарга бормасин, албатта тақдир уни Абу Зайд билан рўпара қилади. Абу Зайд ҳар сафар турли қиёфада, турли хил касбда пайдо бўлиб, адабий сўзга усталик ва шоирона маҳорат билан одамларни ўзига мафтун этади. У ўз мақсадига эришиш учун айёрликдан, ҳатто ёлғончиликдан ҳам қайтмайди, йўлида учраганларни ўз тузоғига туширишга ҳаракат қилади. Ал-Ҳорис унинг қилмишларини қораласада, лекин кўнгли унга мойил бўлиб қолади, узоқ вақт кўрмаса туролмайдиги ҳолга тушади. Абу Зайд шўхлик ва яхшиликка, андишасизлик ва олийжанобликни мужассамлаштирувчи, соддадил, қув образдир.

Ҳамадоний ва Ҳаририй мақомаларнинг 8 таси бир хил номланган бўлса-да (булар-Хулвон, Динор ҳақида, Куфа, Бағдод, Шеърят, Шероз, Сасан ва Басра мақомалари), бироқ уларнинг мавзулари бир-биридан фарқ қилади⁴.

Масалан, ал-Ҳамадонийнинг Хулвон ва Басра мақомалари алдамчилик мавзусига оид бўлса, ал-Ҳаририйнинг шу номли мақомалари адабий ва диний-насиҳат мавзусида бўлиб, унда бош қаҳрамон ҳеч қандай алдамчилик қилмишини амалга оширмайди.

Агар ал-Ҳамадонийдаги Шероз мақомаси панд-насиҳат мавзусига оид бўлса, ал-Ҳаририйнинг шу номли мақомаси алдамчилик мавзуидаги асардир⁵.

Бир хил номланган мақомалардан 4 таси (Динор, Шеърят, Сасан, Куфа) алдамчилик ва битта мақома (шеърят) риторик мақома

сифатида мавзуи бўйича бир-бирига яқин келади. Ал-Ҳаририй ал-Ҳамадонийдан гоё ва мавзуларни олиб, кўп жиҳатдан унга тақлид этади.⁶

Ал-Ҳаририйнинг Синжар мақомаси ал-Ҳамадонийнинг «Мадирия» мақомаси тўлиқ тақлиддир. Ҳаририйдаги Дамашқ ва Уммон мақомалари ва ал-Ҳамадонийдаги Хирзия мақомасининг мавзуси бир хилдир⁷.

Ал-Ҳаририй мақомалари унинг замондоши бўлган ҳамюртимиз, машҳур аллома Маҳмуд Абу-л-Қосим аз-Замахшарий (1074-1143) ижодига ҳам салмоқли таъсир кўрсатган. У кейинчалик анъанага айланган ал-Ҳамадоний ва ал-Ҳаририй асарларидан фарқли ўларок, бу жанрга янги йўналиш берди. Аз-Замахшарий мақомалари илмий қадриятга ҳам эгаки, улар ўрта аср тарихи, ислом қонунчилиги ва тилшунослик каби бошқа соҳаларда жиддий манба вазифасини ўтайди.

Маҳмуд аз-Замахшарий ўзининг «Мақомот аз-Замахшарий» асарини ҳижрий 512 йил ражаб ойининг бошида ёзиб тугатади. Бу асарнинг ёзилиш сабабларини олим асар муқаддимасида баён қилган. Юқорида таъкидлаганимиздек, Маҳмуд аз-Замахшарий 512 йил жуда оғир дардга чалинади. Кунлардан бир кун у туш кўради ва тушида: «Эй Абу-л-Қосим! Ажал - ҳақиқатдир ва орзу-умидлар эса - алдамчидир!»⁸ деган овозни эшитади.

Маҳмуд аз-Замахшарийнинг «Мақомот аз-Замахшарий» асари Макка амири Абу-л-Ҳасан али ибн Ҳамза ибн Ваҳҳосга тухфа қилингандир.

Маҳмуд аз-Замахшарийнинг «Мақомот аз-Замахшарий» асари 50 та мақомадан ташкил топган. Бу элликта мақома турли хил мавзуларни ўз ичига қамраб олган бўлиб, турли мажлисларда, ўтиришларда панд-насиҳат, ўғит тариқасида сўзлаш учун керак бўладиган ҳикматли сўзлар, бадий санъатлар, шеърӣ парчалар, масаллар, ҳикоятлардан иборатдир.

Мана шу 50 мақоманинг 49 сининг исноди бир хил, яъни «Эй Абу-л-Қосим» деб ўзига хитоб билан бошланади. Фақатгина битта, у ҳам бўлса, «мақомат ат-таслим» «жадидан» деган сўз билан бошланади. Унинг кириш қисми

³ Мухтаров Т.А. Саттиев Л.И. Шамусаров Ш. Г. Очерки средневековой арабской прозы. Т., 1992, 200-бет.

⁴ Саидумаров М. Ҳаририй мақомалари. Т., 1996, 19- бет.

⁵ Саидумаров М. Ҳаририй мақомалари. Т., 1996, 25-бет.

⁶ Ўша асар, 20 - бет .

⁷ Ўша асар, 21 - бет.

⁸ Маҳмуд Замахшарий. Мақомот аз-Замахшарий, Қоҳира, 1896, 5-бет.

бўлмай, тўғридан тўғри бошланган. Асарнинг 10 та мақомаси шеърӣ парча билан якунланган.

Ҳаммаси бўлиб асарда Замахшарийнинг 41 та байти келтирилган. Шеърлар ҳам турли мавзулардаги мақомаларнинг мазмунини ёритишига хизмат қилади.

Маҳмуд аз-Замахшарийнинг «Мақомат аз-Замахшарий» асари юқорида айтилганидек, дидактик асар ҳисобланади.

Ўрта асрларда адиблар Бади-уз-Замон ал-Ҳамадонийдан жуда таъсирланганлар ҳамда унга тақлид қилганлар ва араб тилида бир қанча мақомалар ёзганлар. Улардан қуйидагилар ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз:

Мақомот ибн Ноқия ал-Бағдодий. Айтишларича у ёки сурёний ёки арман ва “Таътил” окимида бўлган. У ўз мақомаларида оригинал жарангдор ажойиб иборалар беришга ҳаракат қилган. Лекин у Бадиъуз-замонга тескари тарзда ижтимоий мақсадларни қўймаган.

Мақомот ал-Жавзи. Унинг мақомалари ирфоний-тасавуфий характерга эгаллиги билан ажралиб туради. Рамзлар унинг ҳаётидан олинган.

Мақомот ал-Ҳанафий. У ўз мақомаларида муътадилликка асосланган ва бу ҳақда унинг ўзи шундай дейди: Ҳамадоний ўз мақомаларида муъжазликни ўзига услуб қилиб олган. Ҳаририй эса ўз мақомаларида ғариб сўзларни ишлатишга ҳаракат қилган. Мен эса муътадил услуб бўйича кетишга ҳаракат қилдим. Шу билан бирга ҳазилга ҳам эътиборсиз бўлмадим.

Мақомот аш-Шоб аз-Зариф. (ҳижрий 662-687). У ўздан аввал ўтган адибларга эргашган. Унинг мақомалари руҳий-тасавуфий мавзуларни ўз ичига олган. У мақомаларида Ибн Форид ал-Мисрий ва Мухъиддин ибн Арабийларнинг услубларидан таъсирланган.

Мақомот ас-Сафадий. (ҳижрий 696-764) у ўзининг айтишича, ибн Атторнинг мақомтларидан таъсирланган. Лекин афсуски, ибн атторнинг Мақомалари замонлар ўтиши билан йўқолиб кетган. Шунинг учун биз унинг бу асардан қандай таъсирланганлигини била олмаймиз.

Мақомот ибн ал-Вардий (ҳижрий 749) бу китоб «Ломият ал-араб» билан бирга нашр қилинган. Ўзининг бир мақомасида у ўз

асри суфийларини танқид қилади. “Улар еб ичадилар, лекин одамларнинг қайғу-аламлари билан қизиқмайдилар. Салафи солиҳларнинг сўзларидан гапирадилар, лекин ўзлари уларнинг йўлларида юрмайдилар. Кийимлари уларнинг кийимлари билан бир хил, аммо қалблари бошқа-бошқа. Фақатгина зоҳирни кўрадилар. Улар айшу-ишрат ва маъишатни севадилар.”

Мақомот ас-Суютий. У ҳижрий 10 асрнинг етук олимларидан бири. Унинг мақомалари гуллар, боғу-бўстонлар ҳақидаги ҳикоялар билан ажралиб туради.

Мақомот Хафажий. Унинг мақомалари ижтимоий ҳолатни танқиди билан ажралиб туради.

Мақомот ас-Сувайдий. Шаҳобиддин Аҳмад ибн Барокот. Ёзилиш тарихи ҳижрий 1179 йилга бориб тақалади.

Замонавий араб мақомалари ҳақида шунини гапириш мумкинки, улар ҳам асосан жанр асосчиларига тақлид қилганлар. Мисол қилиб ливанлик адиб Носиф Язижийнинг мақомаларини келтиришимиз мумкин. У ўзининг мақомаларида Ҳаририй мақомаларига тақлид қилган. Яна шунингдек, Муҳаммад Мувайлиҳий мақомаларида қиссалардан ижтимоий танқид қилишда зинапоя сифатида фойдаланган. Иброҳим Мувайлиҳий мақомаларида ўзининг сиёсий фикрларини баён қилган. Аҳмад Форис Шидёк мақомаларида ижтимоий анъаналарни кўриб чиққан ва уларни кескин танқид қилган.

Шунини айтишимиз мумкинки, мақомалар шу ерда тўхтаб қолмаган. Қадимий услубда ёзилган қисқа ҳикоялар шаклидан европа адабиётидан таъсирланган қисқа ва узун ҳикоялар кўринишга ўтган ва катта ўзгаришларни бошидан кечириб бошқа йўналишга ўтган. Улар Яқин ва Ўрта Шарқдаги баъзи халқлар, хусусан, Эрон ва яҳудий адабиётига ҳам кириб келди.

XII асрнинг ўрталарида мақома ўзининг энг юқори нуктасига етди. Мазкур жанрда бундан кейин яратилган барча маҳсул оддий тақлиддан нарига ўтмади. Лекин бу жанр асарлари ҳатто XX асарда ҳам яратилди. Мақомалар жанрининг хусусияти яна шундан иборатки, у оддий ҳар кунлик мавзуларни юқори савиядаги бадиий сўз билан ифода эта олди.